Бола туғилгач, она ва гўдак палатага олиб чиқилади – сиз доим чақалоқингиз билан бирга бўласиз.

Сут ҳосил бўлиши
Аваллига кўкракдан «огиз сuti» деб номланган суюқлик келади. У сариксимон бўлиб, фойдали моддаларга бойдир.



Шунинг учун чақалоқ биринчи 30 дақиқада кўкракка қўйилиши лозим. Сўнгра (одатда туғруқдан сўнг 3-4 кун ўтгач) сут келади, кўкрак безларининг ҳажми катталашади, вазминлашади, оғрик пайдо бўлиши ҳам мумкин, баъзан тана ҳарорати кўтариледи. Бундай ҳолат 1-2 кун давом эттиши мумкин. Она сuti гўдак учун энг қимматли озуқа ҳисобланиб, унинг таркибиде болани юқумли касалликлардан ҳимоя қилувчи ҳужайралар ҳамда гўдакнинг бўйи ўсиши, ақлий ва жисмоний ривожланишини таъминловчи моддалар мавжуд. Би-

ринчи олти ой давомида кўкрак сuti боланинг соғлом ўсиб, ривожланиши учун ягона озуқаидир. Туғруқдан кейинги биринчи 3-4 кунларда жинсий аъзолардан қонсимон суюқликлар келади, тўртинчи кундан бошлаб улар қорамтир-жигарранг тусни олади, кейинчалик сарғиш-оқ рангли бўлиб қолади. 10 кундан кейин эса, улар одатий ҳолатга тушади.

Туғруқхонадан чиқариш
Агар туғруқ ва туғруқдан сўнгги давр асоратсиз ўтса, аёл ва чақалоқ ўзини яхши ҳис қилса, 4-5 кундан сўнг уйга жавоб берилади.

Туғруқхонадан қайтгач, ёш она дарҳол одатдаги уй юмушларини бажаришга ҳаракат қилади, бироқ у ҳали туғруқдан кейин ўзига келганича йўқ. 40 кун давомида ёш она ва гўдак парваришга муҳтож. Бу авайлашни халқимиз «чилла даври» деб атайди.

Туғруқдан кейинги гигиена
Она ҳамда болада инфекция ривожланишининг олдини олиш учун шахсий гигиенага риоя қилиш керак:

* Мунтазам равишда чўмилиб туринг ёки илиқ сувли ванна қабул қилинг. Иложи борича ҳид-сиз совун ишлатинг. Агар сизда кесаркешиш операцияси, оралқ йиртилишлари (эпизиотомия)дан сўнг тилкув чоки қўйилган бўлса, фақат душ қабул қилинг. Чўмилишдан ёки таҳоратдан сўнг

ювилган танангизни ишқалаб артманг, юмшоқ газлама ёки сочиқ билан қуригинг.

* Ҳар гал эмизишдан олдин ва кейин кўкракни ювишда совун ишлатишга ҳолат йўқ.

* Болани ушлаш ёки уни қўлга олишдан олдин доимо қўлингизни совун билан яхшилаб ювинг. Болани қўришга келганлардан ёки унга ғамхўрлик қиладиган кишидан болага яқинлашишдан олдин албатта қўлини совун билан ювишини илтимос қилинг.

Юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар

Қуйида кўрсатилган баъзи белгилар юз берганда, зудлик билан шифокорга мурожаат қилинг:

* Сут безида ёки кўкрак сўргичларида шиш, қизариш ёки оғрик.

* Тана ҳароратининг 38°Сгача кўтарилиши, жунжиқши, юракнинг тез уриши (томир уриши дақиқасига 100 та ва ундан ортиқ), бош айланиши.

* Сийдик ажралишига оид муаммолар ва/ёки сийдикни тута олмаслик.

Навбатдаги ҳомиладорлиқни режалаштиришдан олдин аёл соғлом ва қувватли бўлиши лозим. Туғруқлар орасидаги оралқ камиди уч йилни ташкил этиши керак. Бу даврда она организмни йиллик тикланиб, гўдак ҳам икки йилгача кўкрак сutiдан баҳраманд бўлади. Сизга мос келадиган, ҳомиладорлиқдан

сақланишда ишлатиладиган контрацептив воситалари ҳақида шифокор билан маслаҳатлашинг.

Туғруқдан кейинги тушқунлик (депрессия)

Бола туғилганидан сўнг баъзи ҳолларда оналарда сиқилиш ҳолатлари пайдо бўлиб, тез-тез тушқун аҳволга тушиб қолиши мумкин. Уйқуга тўймаслик, мадорсизлик ва чарчоқлик аломатлари пайдо бўлиши оқибатида ёш она ўзини ноқулай сезади, кўзига ҳеч нарса кўринмайдиган бўлиб қолади.

Танг аҳволдан қандай чиқиш мумкин? Бунда оиланинг қўллаб-қувватлаш жуда муҳим ва зарурдир. Шундай пайтда оила аъзолари зийрак бўлмоқлари даркор. Масалан, илиқ сўз, табассум, ғамхўрлик кўрсатиши айна шу пайтда жуда зарурдир. Уй ишларида ёрдам бериш, болага қараш, юпатиш, она қўлидан идиш-товоғини олиш – шу каби ҳаракатлар онанинг кўнглини очади, таскин беради.

Кун тартиби ва овқатланиш

Кўкрак сuti билан боқатган аёл тўғри овқатланиши ва тўлиқ дам олиши зарур. Уйқу (кундузги уйқу билан бирга) 10 соатдан кам бўлмаслиги керак. Унга витамин ва минералларга бой, озуқали таомларни истеъмол қилишни маслаҳат берамиз.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бухоро вилояти «Авиценна» болалар шифокорлари уюшмаси билан Буюк Британия «HealthProm» нодавлат ташкилоти мутахассислари ҳамкорлигида тайёрланди.

Ота-оналарга маслаҳат

ЗИЧ ЙЎРГАКЛАШ АФЗАЛМИ ЁКИ ЭРКИН ЙЎРГАКЛАШ?

Боланинг ўсиши унинг ҳаракатида намоён бўлади, ҳаракат эса – бу ҳаёт. Бугунги кунда соғлиқни сақлаш ташкилотлари тавсияларига таянган ҳолда педиатрлар бола туғилиши билан оқнинг ҳаракатланиши учун қулай шароит яратиш кераклигини маслаҳат беришларининг сабаби ҳам мана шунда. Бугунги кунда янги туғилган чақалоқни йўргаклашга бўлган муносабат сезиларли даражада ўзгариб. Педиатрлар бола туғилган вақтдан оқни эркин йўргаклашни талаб қилишади. Эркин йўргаклашда боланинг қўллари эркин қолиб, оёқлари-га эса иштонча ва бир марталик таглик кийдирилади ёки зич бўлмаган ҳолда йўргакланади. Бу ҳолда бола ҳаракатланиши, ўзи учун қулай бўлган вазиятни эгаллаши мумкин.

Чақалоқларни парвариш қилишнинг ҳозирги замон тажрибаси гўдакни таранг қилиб йўргаклашни тавсия этмайди. Бола зич қилиб йўргакланганда ўта сиқилиб қолади, қўл ва оёқлари тўғри ростланган, қўллари танасига маҳкам қилиб ёпиштирилган ҳолатда бўлади. Бу ҳолатда гўдак ўзи учун қулай шароитни ярата, эркин ҳаракатлана олмайди. Марказий Осиё давлатларидаги бешикдан фойдаланиш анъанаси ҳам болани зич қилиб йўргаклашнинг бир турига киради.

Педиатр ва бошқа мутахассислар зич йўргаклашнинг салбий оқибатлари ва янги туғилган чақалоққа эркин ҳаракатланиши учун қулай шароит яратиш ҳусусида қуйидаги ҳолатларни санаб ўтишган:

* Янги туғилган чақалоққа унинг бирор махсус ҳаракатни амалга ошириши учун тўқсинлик қилмайдиган ва табиий шароитни ҳозирлайдиган бирор кийимнинг бўлиши бу асосланган далилдир. Гўдакни зич йўргаклаш эса уни ўзи учун қулай бўлган ҳолатни, яъни онани қорнида «эмбрион» давридаги ҳолатни

олишига ҳалақит беради ва бола ташқи муҳит шароитига мослашишни қийинлаштиради.

* Маълумки, чақалоқларда таъм билиш ва сезиш ҳисси кўпроқ ривожланган бўлади. Айнан ана шу сезгилар орқали гўдак дунёни англайди. Бордию биз унинг қўл, оёқлари, тана ҳаракатини ўзгартириш, эркин ҳаракатланиши, ҳис қилиши орқали атроф-муҳит билан ўрнатаётган алоқасига тўқсинлик қилсак, гўдакнинг ҳам руҳий, ҳам жисмоний ривожланиши бир нуқтада тўхтаб қолиши мумкин. Боланинг қафт ва бармоқлари қанчалик кўп ҳаракатланса, унинг миеси шунчалик ривожлана боради.

* Таъкидланганидек, боланинг фаол ҳаракатланиши мия ҳужайраларининг ўсишида муҳим аҳамият касб этади. У бир сутка давомида 65 фоизгача бўлган ҳаракатини уйқусида амалга оширар экан. Энг асосийси эса уйқу давомидаги ҳаракат уйқоқлигидаги олинган ахборотни мияда қайта ишлашга ёрдам беришидир. Уйқуда чекланган ҳаракат асаб системасига оғирлик қилади ва мияга етиб келувчи вази-

фаларни бажара олмайди. Зич йўргакланганда, ҳаракатнинг чекланиши мия етилиши жараёнини сусайтиради.

* Мажбурий ҳаракатсизлик бола нутқининг ривожланишида бир қанча муаммолар келтириб чиқаради. Ота-онанинг нутқи давомида бола миллионлаб ҳаракатлар мимикасини амалга оширади. У ота-онанинг ҳаракатларини тана мускуллари орқали такрорлайди. Унинг ҳаракат фаолиятини чеклаган ҳолда, биз боланинг нутқини тўхтатиб қўямиз. Келажада бундай болалар мактабда таълим олишда ҳам муаммога дуч келадилар.

* Боланинг эркин ҳаракатланиши тана ҳароратининг бир маромда бўлишини таъминлайди, зич йўргакланган болалар эса тез-тез қизиб кетадилар, натижада, уларда иммунитет тушиб кетади, табиийки бу уларнинг тез-тез касалланишларига олиб келади.

* Зич йўргакланган чақалоқ чуқур ва текис нафас ололмайди. Бундай болаларнинг ўсишида пневмония касаллиги хавфи йўргакланмайдиган болаларга қараганда 4 баробар кўп учрар экан.

* Зич йўргакланган болаларда оёқларнинг тўғри қилиб ўралганидан қон айланиш тизими бузилиши, мускуллар иши сусайиши, бугинлар шаклланиш жараёнининг тўхтаб қолиши ҳамда тос суяги сон суяги билан туташган бугинида нуқсонлар келиб чиқиш ҳолатлари кузатилади. Тос суягининг сон суяги билан туташган бугинидаги тумға дисплазия ҳолати янги туғилган чақалоқларнинг

30 фоизда учрайди. Бундай ташҳисдаги болаларни зич йўргаклаш бугинларнинг ривожланмай қолиши ва давонлиш жараёнига ўз-ўзидан путур етказиши. Бу оқсоқлик каби оғир асоратларга ҳамда оёқда оғрик пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

* Зич йўргаклаганда қийишқ оёқ тўғриланади, деган фикр мутлақо нотўғри, оёқнинг бундай кўриниши рахитнинг ривожланишига ёхуд наслик касаллик билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аксинча, зич йўргаклаш болага келаятган қуёш нурини тўсади ва рахитнинг ривожланиш даражасини кучайтиради.

* Зич йўргаклаш боланинг миеси билан яқинлашишига (ва бунга ҳис қилишига) йўл қўймайди. Ҳиссий биоалоқа ва ота-она билан яқинлашишнинг шаклланиши зарарланади.

* Болани зич йўргакланган ҳолда тебратиш миесининг чайқилишига олиб келади. Боланинг миеси жуда мўрт бўлгани сабаб, у осонликча шикастланиши мумкин. Болани зинҳор силтаманг! Бу боланинг эшитиш қобилияти сусайишига, нутқи бузилишига, тутқаноқ ҳамда церебрал фалажга, ҳатто баъзи ҳолатларда ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

* Боланинг зич йўргакланган ҳолда узоқ бўлиши, айниқса,



эмизикли болаларда тўсатдан ўлиб қолиш синдроми хавфини оширади.

Ҳўш, сиз булардан қай ҳолатни маъқул кўрасиз? Оналар учун гўдакларини парвариш қилишда қулайлик муҳими ёки соғлиғими? Зич йўргаклаш афзалми ёки эркин йўргаклаш?

Эркин йўргаклашда боланинг нафас олиш жараёни ҳамда қон айланиш тизими фаолияти бузилмайдиган. Чақалоқларнинг фаол ҳаракатлари уни ўз тана ҳароратини ушлаб туришига имкон яратеди. Бундай болалар тана ҳарорати ўзгаришларини осон қабул қилади ва бу иммунитет ишини ҳамда чинқиқлини таъминлайди. Эркин йўргаклаш бу чақалоқингизнинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан ривожланишида энг қулай шароитни яратеди.

Мақола Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси мутахассислари томонидан тайёрланди.



Маъмур мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш яамот фонднинг «Соғлом оила-жамият мустаҳкамлиги ва мамлакат барқарорлиги омили» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Умумий амалиёт шифокорларига амалий ёрдам

РЕВМАТОИД АРТРИТ

Ревматоид артрит (РА) – бириктирувчи тўқиманинг сурункали аутоиммун яллиғланиш касаллиги бўлиб, асосан бўғимларнинг зўрайиб борувчи эрозив полиартрити сифатида نامоён бўлади. Бунинг оқибатида бўғимнинг тузилиши ва функцияси жиддий талафот кўради. Тез орада беморларнинг меҳнат фаолияти пасайиб, ногиронлик гуруҳига чиқишади. Асосан бу касаллик 20-50 ёшларда, аксарият 75 фоиз аёлларда учрайди. Касаллиқнинг биринчи 3 йилида 50 фоиз беморда ногиронлик гуруҳи қайд қилинади.

Юқорида келтирилган маълумотлар ревматоид артрит касаллигини нафақат тиббий, балки улкан ижтимоий муаммо эканлигини кўрсатиб беради.

Этиологияси
ва патогенези

Касаллиқни келтириб чиқарувчи сабаб ҳозиргача аниқланмаган. Олиб борилган кўплаб илмий изланишлар касаллик полиэтиология келиб чиқишга эга деган фикрга олиб келди. Касаллик заминидан кечувчи иммунологик жараёнларни чуқур ўрганиш, янги инфекция-аллергик назария келиб чиқишга сабаб бўлмоқда.

Ревматоид артрит касаллиги ривожланишининг асосий омилли бу иммун яллиғланишдир. Бунда қонда айланб юривчи иммун комплекслар бириктирувчи тўқималарга қўйиб яллиғланиш жараёни келтириб чиқаради. Касалликка учраган бўғим синовиал пардасида иммунглобулин G, A, M микдори ошиб кетади. Шулардан иммунглобулин G организмда ревматоид фактор ишлаб чиқарилишига сабабчи бўлади. Тажрибалардан бемор одамнинг қон зардобда бўғимга юборилганда синовиал бўғим синовиал пардасининг яллиғланиши кузатилади. Ревматоид фактор, яъни аутоантитело ўзгарган иммунглобулин G билан бирлашиб, иммун комплексларни ҳосил қилади, улар ўз навбатида синовиал пардадаги ва суюқликдаги комплемент тизимини фаоллаштиради. Иммун комплекслар фагоцитозга учрайди, фагоцитлар қўбиги емирилиши натижасида лизосомал ферментлар бўғим бўшлиғига ажралиб чиқади ва бўғим компонентлари емирилиши бошланади. Бўғим компонентлари емирилиши оқибатида қонга колагенин A ҳамда B типлари ажралиб чиқади. Улар ўз навбатида организм томонидан аутоантител деб топилади ва уларга қарши аутоантителлар ишлаб чиқарилади. Натижада қонда айланб юривчи гигант иммункомплекслар ҳосил бўлади. Улар бўғим пардаларига қўйиб оқибатида бирламчи иммун яллиғланиш жараёни бошлаб беради. Касалликка учраган бўғимлар иммун комплекслар ишлаб чиқарадиган аъзога аниқлаб ва бу ҳолат касаллик ёпқ заنجирли жараён сифатида зўрайиб боришини таъминлайди. Шунинг учун ўз вақтида амалга оширилган синоэктомия жарроҳлик муолажаси касаллик узоқ ва турғун ремиссияга учрашига сабаб бўлади.

Клиникаси

Касаллиқнинг бошланиши: ўткир, ўткир ости ва сурункали. Ўткир даври кўпчига ёшларда кузатилади. Беморларда ҳарорат кўтарилиши, бўғимларда оғриқ, умумий ҳолсизлик белгилари билан бошланади. Касаллиқнинг ўткир даври бир неча соатдан бир неча кунгача, ўткир ости даври эса 1-2 ҳафта давом этади. Бу давр кўпроқ ўрта ёшларда, асосан аёлларда кузатилади. Бўғимларда оғриқ, субфебрил ҳарорат кўтарилиши билан кечади. Сурункали тури асосан ёши кексаларда кўп кузатилади. Бўғимлардаги ўзгаришлар аста-секин кучайиб боради ва бир неча ойлارга чўзилди.

РА билан оғриган беморларнинг 2/3 қисми симметрик олигоартрит, 1/3 симметрик полиартрит билан бошланади. 30 фоиз ҳолат

да йирик бўғимлар зарарланиши билан, 10 фоиз ҳолатда қайталанувчи артритлар кузатилади. Барча бўғим касалликлари каби РАда ҳам касаллик оғриқ билан бошланади. Оғриқ характерига қараб кучсиз, доимий, эрталаблари кучаявчи, диффуз оғриқлар фарқланади. Оғриқлар мушакларда, пайларда, бойламларда пайдо бўлади. Бўғимлардаги яллиғланиш процесси ва рентгенологик ўзгаришлар доимо бир-бирига мос келмайди. Аёлларда ҳайз даврида бўғимлардаги оғриқлар кучаяди. РА касаллигида оғриқ суткалик ритмга эга. Касалликда эрталабки характерли асосий белгилардан бири ҳисобланади, кейинги белги бўғимлардаги шиш ҳисобланади. Яллиғланиш тўғрисида бўғимларда синовиал суюқлик йиғилиши ҳисобига шиш кузатилади. Касалликда тана ҳарорати доимий ошиши кузатилиб, асосан 37,3-37,5°C бўлади. Зарарланган бўғимларда маҳаллий ҳарорат кўтарилиши, касаллиқнинг эрта босқичларида кечки пайларда беморларда эт увишиши кузатилади. Бу белги касаллиқнинг организмнинг барча жойларига тарқалганлигини белгилайди. Соат 18-20 лар оралиғида мушакларда оғриқ кучаяди. Кучли эт увишиши ва ҳарорат кўтарилиши касаллиқнинг септик турига ҳосидир. Оғриқ пайпаслаш йўли билан аниқланади. РА касаллиги учун оғриқ диффуз характерга эга. Оғриқ бўғим капсуласи, бўғим тирқиши, бўғим атрофи юмшоқ тўқималари, пай бойламлари атрофида аниқланади.

Беморни қўздан кечираётган шифокор қуйидаги саволларни бериши керак: қачон улашга ётади, тез уйқога кетадими, кечкурун тез-тез уйғонадими, уйғонгандан сўнг бўғимлардаги оғриқлар қанча вақтдан сўнг ўтиб кетади, қўлларини мушт қила оладими, тизза бўғимларида букши ва ёзиш ҳаракатлари осон бўладими? РА билан касалланган беморларда бу ҳаракатларини бажариш қийинчилик билан кечади. Касаллик узоқ давом этганда бўғим капсуласи ҳамда бугловчи комплекслар бўшашиб кетади, мушаклар гипотрофияга учрайди. Бу ўз навбатида бўғимлардаги турли хил деформацияларни келтириб чиқаради.

1. Бармоқларнинг уялар девиацияси. 2. Бармоқларнинг тўнғач илгаги қўриқчидаги деформация. 3. Оққуш бўйни каби деформация.

Рентгенологик

текшириш усуллари

Рентгенологик ўзгаришлар касаллик бошлангандан 3-4 ой ўтгач аниқланади. Бунда суюқлик эпифизда субхондрал остеоопороз белгилари намоён бўлади. РА касаллигида деструктив жараёнлар кўп II-III бармоқ фалангалари ва V оёқ панжаси бошчалари соҳасида кузатилади. Суюқ тўқималари билан биргаликда тоғай тўқималари ҳам емирилади. Унинг оқибатида бўғим оралиғи кескин тораяди. РАда суюқлар эпифизда микроструктурлар ҳамда бўғим атрофида остеофитлар ўсиши характерлидир.

Мақоламиз сўнггида шунга таъкидламоқчимизки, ревматоид артрит касаллиги тиббиётда ўз ечимини топмаган муаммо бўлиб, барча амалга оширилаётган даволаш муолажалари беморлар турмуш кечириш сифатини оширишга қаратилган.

Мирҳаким АЗИЗОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Травматология ва ортопедия илмий-текшириш
институтини директори.

Лаборатор
текшириш усуллари

РА касаллигида ЭЧТнинг (50-70 мм/с) ошиши характерлидир. Баъзи беморларда ЭЧТнинг ошиши клиник белгилар юзга чиқишидан анча олдин кузатилади. Биохимик тестлар натижаси касаллиқнинг фаоллик даражасини кўрсатади. Имунокинетик ва имунорадиологик текшириш усуллари бир қатор имунологик комплексларнинг пайдо бўлиши ва фаоллашишини аниқлаш РАга эрта таъшиш қўйишга ёрдам беради.

Даволаш

РА касаллиги ривожланиш механизмининг мураккаблиги ва кам ўрганилганлиги, патологик жараён ривожланишида кўп тизимларнинг иштирок этиши касаллик фармакотерапиясида кўпгина муаммоларни келтириб чиқаради. РА билан оғриган беморларни даволаш принциплари қуйидагилардан иборат: 1) Касаллик ривожланиши ва зўрайиши сабабларини аниқлаш. 2) Касаллиқнинг фаол даврида комплекс босқичли даволаш (I босқич – стационар даволаш, II босқич – санатор-курорт даво, III босқич – поликлиник даво). 3) Социал гигиеник чора-тадбирлар. РАни даволашда ишлатилдиган антиревматик препаратлар 2 та катта гуруҳга бўлинади – симптоматик ва базис. Симптоматик даво препаратлари яллиғланишга қарши ностероид препаратлар қиради. Булардан кўп тарқалганлари салицилатлар, пирразолон препаратлари, индол уксус кислотаси маҳсулотлари (индометацин, метиндол-ретард), фенилуксус кислотаси (вольтерен, ортофен), пропион кислотаси (бруфен, напросин, флюгалин) ва бошқалар. Беморларни кортикостероид препаратлар билан даволаш кичик дозалардан бошланади. Масалан преднизолоннинг суткалик дозаси 5-7,5 мг. Агар 5-6 кун ичида бемор ҳарқилини яхшилангани кузатишса, кортикостероид дозасини ошмасдан НПВС препаратларида бирутаси қўйишга қўйилади. Масалан, индометацин (кунига 20-30 мгдан 3 маҳал). РА патогенезининг айрим бўғимларига таъсир этиш учун базис препаратлар: олтин тузлари (кризанол, ауранофин), D-пеницилламин, хинолин препаратлари (делалгил, плаквенил), цитостатик препаратлар (циклофосфамид, азатиоприн), левamisолдан фойдаланилади.

Ревматоид артрит касаллиги ривожланишида аутоиммун жараён асосий ўрин тутганлиги учун имуноотерапия муолажаларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Касаллиқнинг хирургик даволаш юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ёпқ иммун яллиғланиш заنجирига патогенетик таъсир қилади. Касаллиқнинг экссудатив ва экссудатив пролифератив босқичларида касалланган синовиал пардани олиб ташлаш турғун ва узоққа давом этадиган ремиссия какиради. Чунки бунда иммун комплекслар ишлаб чиқарадиган ўқиб олиб ташланади. Касаллиқнинг кейинги склеротик босқичида бўғимларда турғун деформациялар ва контрактуралар юзга келади. Бунда қўнча синоэктомия операциясига қўйишга юмшоқ тўқималарда пластик операциялар бажарилади. Бўғимларда фиброз ёки суюқли анкилозлар ривожланганда бўғимларни сўғий бўғим билан алмаштириш мақсадга мувофиқдир.

ЛИМФА
ТУГУНЛАРИ СИЛИ

Сил касаллигини қақирувчи микроб сил таёқчаси (Коха бацилласи) бўлиб, аэроген, лимфаген ва гематоген тарқалиб, ўпкада, бошқа аъзоларда, шу жумладан, лимфа туғунларга ҳам силга характерли ўзгаришларни қақиради.

Касаллиқнинг юқш йўллари турли-туман бўлиб булардан: бацилла тарқатувчи беморлар йўталганда, аксирганда, ярадан ажраладиган ажралмалар, пешобдан, генитал ажралмалардан ўтиши кузатилади. Сил микробининг организмга кириш усуллари қараб касаллик жойлашувини аниқлаш имконияти туғилади, яъни нафас йўлларида – бронхлар олди, қўқрак қафаси ички лимфа туғунлари, овқат ҳазм қилиш аъзолари йўлидан, қорин парда олд ва орқа лимфа безлари (мезадентити) оғиз ва бурун орқали ўтишида эса кўпчилик ҳолатларда бўйин лимфа туғунлари сили учраши мумкин. Инсон организмидан лимфа туғунлар 700 дан ортиқ бўлиб, таъқи юзаси ва ички чуқур жойлашган лимфа туғунлар фарқ қилинади. Лимфа туғунлар одатда юмалоқ, нўхатсимон ва чўзинчоқ шаклларда бўлиб, яқка ёки тўда ҳолида жойлашади. Лимфанинг вазифаси организмдан ёт моддалар ва микробларни чиқаришдан иборатдир. Лимфа суюқлиги лимфа туғундан филтраниб ўтиб, захарли моддалар ва микробларни жигарда зарарсизлантириб, буйрак орқали чиқишида иштирок этади.

Сил таёқчасидан аксарият 80 фоизгача ҳолларда бўйин ва қўлтиқ ости лимфа безлари зарарланиши кузатилади. Лимфа туғунларда сил касаллиги ривожланишида сил ўчоғи жойлашган жойга «туберкулёз» – «бугорок», яъни дўмбоқчалар ҳосил бўлади, вақт ўтиши билан дўмбоқчалар бир-бирига қўшилиб «казеоз» қуюқ қотишган йирингли ажралмалар ҳосил бўлиб, кейинги босқичда тешиклар пайдо бўлиб, тери устидан тешиб чиқиши ва нихоят оқма яралар пайдо бўлиш ҳоллари кузатилади.

Касаллиқнинг лимфа туғунларда ривожланиши бир неча босқичдан иборат бўлиб, 2-3 ойдан бир неча йилларга бориши мумкин.

Лимфа туғунлар сили диагностикаси

Лимфа безларининг сил билан қишқирганини таъшишоти мажмуавий турда бўлиб, шикоят: танада жойлашган лимфа безларининг катталашуви, касаллик тарихидан лимфа безларининг катталашуви сурункали кечиши, бошқа аъзоларда сил касаллиги аломатлари борлиги, сил синамаларининг мусбат бўлиши, ўпканинг рентген суратида сил касаллиги аломатлари қолдиқлари борлиги, лимфа туғунлари бир текис катталашуви, оғриқсиз, ҳаракатчан бўлиши, УЗИ текширувларида лимфа безларининг ички тузилиши (гомоген) бир хиллиги, баъзида (гетероген) ҳар хил бўлиши ҳам мумкин, лаборатор текширувларда ажралмалардан сил таёқчаси аниқланиши ва провакцина синамалар натижалари мусбатлиги ва гистологик текширувлар асосида лимфа туғунларнинг сил билан зарарланиши аниқланилади.

Лимфа безлари катталашган беморларни текширишда лимфа безларга пункция қилиниб, ажралмани цитологик ва микробиологик, полимераз заنجир реакцияси (ПЗР) текширувлар самарадорлиги қонқарили бўлиши мумкин. Лекин беморлар орасида лимфа безларни операция усулида олдиришлар, касаллик авжига чиқиб кетади деган асосиз тушунчалар бор. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, ҳар бир катталашган лимфа туғунлар касаллигини аниқ таъшишоти қилиш учун, асосан гистологик текширув мумкин, бунда лимфа туғунни тўлиқ олиш ва текшириш лозим, бундан беморларга ҳеч қандай зиён етмайди, балки касаллик барвақт аниқланилиб, даво самараси яқши бўлиши кузатилади.

Лимфа туғунлар силининг дифференциал
диагностикаси

Лимфа туғунлар силининг дифференциал диагностикаси бир неча лимфа безларнинг катталашуви билан кечадиган касалликлар орқали олиб борилади.

Булардан лимфа безларнинг неспецифик яллиғланиши, бошларда ҳар турдаги (В-Т ҳужайрали Ходжкин, неХоджкин) лимфомалар, лимфогранулематоз (ЛГМ) ҳамда ОИТ синдромларида ҳам лимфа безларнинг ҳар хил даражадаги катталашуви кузатилади. Шунинг эсда тутиш лозимки, лимфа безлари катталашган ҳар бир бемор физикатор кўригидан кейин, комплекс текширувлар асосида текширилиб, сил касаллигини аниқлаш учун гистологик текширувдан ўтиши лозим.

Лимфа туғунлари силини даволаш

Сил касаллигини даволаш комплекс турда бўлиб, силга қарши дорилар тартибли, давомий тарзда олиб борилиши лозим. Касаллиқни аниқлаш вақти қанча барвақт бўлса, терапевтик давонинг самараси яқши бўлиб, катталашган лимфа безлар сурилиб кетиши мумкин. Шунинг эсда тутиш мумкинки ҳеч вақт битта ёки иккита дори билан давони бошламаслик лозим, бундай ҳолатларда микробнинг сил дориларига турғунлиги ривожланиб, касаллиқни даволаш мuddати чўзилиши билан бир қаторда, унинг асоратлари ривожланишига омил бўлади. Касаллик кечикиб асоратланган даврларда аниқланган бўлса, албатта жарроҳлик муолажалари қўлланилади. Бунда зарарланган лимфа туғунлар олиб ташланиб, консерватив даво давом эттирилади.

Лимфа туғунлари сили билан оғриган беморларни ўз вақтида аниқлаб, комплекс даво чоралари қўлланилганда бу тоифадаги беморлар батамом тузалиб кетадилар.

Ш. Йўлдошов,
олий тоифали шифокор,
тиббиёт фанлари доктори,
Республика фтизиатрия ва пульмонология
ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт маркази
катта илмий ходими.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

«Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласида бўлиши билан боғлиқ фаолият» бўйича лицензияловчи органи маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласида бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги 315-сон қарорининг ижросини амалга ошира бориб, «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият учун берилган ва ҳозирги вақтда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ бўлган фаолиятни лицензияловчи орган қарори асосида бекор қилинган лицензиатлар рўйхати»

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи билан боғлиқ фаолият турларига берилган лицензиялари бекор қилинган лицензиатлар рўйхати

1. Жиззах вилояти "Бешкувур-С" хусусий дорихонаси.

Лицензияси: ППР № 002396 29.06.2006 й.

Фаолият тури: психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш, сақлаш ва сотиш.

2. Хоразм вилояти Урганч шаҳар болалар стоматология поликлиникаси.

Лицензияси: ПР № 002170 30.11.2005 й.

Фаолият тури: прекурсорларни ташиш, сақлаш, тиббиёт эҳтиёжлари учун фойдаланиш ва йўқ қилиш.

3. Тошкент вилояти "Asab va ruhiy kasalliklar dispanseri".

Лицензияси: ПР № 002712 29.08.2006 й.

Фаолият тури: психотроп моддалар ва прекурсорларни ташиш, сақлаш, тиббиёт эҳтиёжлари учун фойдаланиш ва йўқ қилиш.

4. Тошкент вилояти "Саксонота кишлоқ врачлик пункти".

Лицензияси: ПР № 003257 28.02.2007 й.

Фаолият тури: прекурсорларни ташиш, сақлаш, тиббиёт эҳтиёжлари учун фойдаланиш ва йўқ қилиш.

5. Тошкент вилояти "Тай-Оптинур" МЧЖ.

Лицензияси: ПР № 002174 30.11.2005 й.

Фаолият тури: прекурсорларни ташиш, сақлаш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш.

6. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туман травматология-ортопедия касалхонаси.

Лицензияси: ГППР № 002962 01.12.2006 й.

Фаолият тури: прекурсорларни ташиш, сақлаш, тиббиёт эҳтиёжлари учун фойдаланиш ва йўқ қилиш.

**Американские ученые
нашли слабое
звено в защите ВИЧ**

Американским ученым удалось выявить в крови ВИЧ-инфицированного пациента из Африки ранее неизвестные антитела широкого спектра действия, способные связываться с оболочкой большого числа разновидностей вируса иммунодефицита, сообщает The New Scientist. До недавнего времени ученым было известно лишь четыре типа таких антител, причем все они были открыты более десяти лет назад.

По словам ученых, обнаруженные ими антитела связываются с частицами ВИЧ новым, ранее неизвестным способом. Эти данные открывают путь для разработки принципиально новых вакцин против ВИЧ-инфекции.

Исследование, проведенное при поддержке Международной инициативы по разработке вакцин против СПИДа (International AIDS Vaccine Initiative), включало несколько этапов. Сначала сотрудники Калифорнийского Исследовательского института Скриппса собрали и изучили образцы крови 1 800 пациентов с ВИЧ из разных регионов мира. Разнообразные антитела к ВИЧ были обнаружены приблизительно у 10% доноров, однако большинство из них защищали организм человека лишь от незначительного числа известных разновидностей вируса.

После предварительных тестов для более тщательного изучения был выбран образец крови пациента из Африки. Из крови африканца было выделено два антитела, получивших названия

**ИНТЕРНЕТ СООБЩАЕТ**

PG9 и PG16, которые нейтрализовали более 75% из полутора сотен опробованных на них штаммов вируса иммунодефицита. Как показали дальнейшие исследования, антитела, вырабатываемые иммунной системой африканца, связывались с хорошо известным фрагментом оболочки вируса иммунодефицита – гликопротеином gp120, формирующим выступы, или иглы, на поверхности вирусной частицы. Это соединение является одной из наиболее стабильных структур оболочки вируса, поэтому давно привлекает ученых как одна из наиболее вероятных мишеней для экспериментальных вакцин против ВИЧ-инфекции. Однако использование таких вакцин затруднено тем, что этот фрагмент оболочки надежно защищен от внешних воздействий.

По данным авторов нового исследования, в отличие от всех известных к настоящему времени антител против ВИЧ, PG9 и PG16 взаимодействуют не с единичными молекулами gp120, а с трехмерной структурой, образованной тремя молекулами этого гликопротеина. Этот ранее неизвестный тип взаимодействия позволяет антителам распознавать и связывать необычайно большое число штаммов ВИЧ.

По словам координатора исследовательского проекта Уэйна Коффа, новая мишень для антител против ВИЧ является главным открытием исследователей. Используя данные о принципиально новом взаимодействии антител с вирусом, ученые могут найти новые подходы к разработке

вакцин против ВИЧ-инфекции, усилия по созданию которых до последнего времени были безуспешными. Новые и более эффективные вакцины, возможно, будут стимулировать выработку антител, атакующих трехмерную структуру, образованную молекулами gp120.

Ученые полагают, что с учетом новых данных в ближайшем времени им удастся обнаружить другие типы антител, способных нейтрализовать вирус иммунодефицита. Подготовка соответствующего исследования ведется в настоящее время в институте Скриппса. Сотрудники института намерены собрать и изучить как можно больше образцов крови небольшой подгруппы пациентов с ВИЧ, обладающих пока не объясненной устойчивостью к вирусу. В отличие от подавляющего большинства больных, этим людям не требуется антиретровирусная терапия для предотвращения развития СПИДа: спустя многие годы после заражения концентрация частиц вируса в их крови остается на минимальном уровне, что говорит о том, что иммунная система больных каким-то образом подавляет инфекцию.

**В слюне клещей нашли
лекарство от рака**

Белок, содержащийся в слюне южноамериканских клещей, может оказаться эффективным средством для лечения онкологических заболеваний, пишет AFP. По данным исследователей из бразильского Института Бутантан, это веще-

ство способно замедлять рост или приводить к полному исчезновению меланом и опухолей поджелудочной железы.

Клещ *Amblyomma cajennense*, слюну которого исследовали ученые, является переносчиком опасных для человека инфекционных заболеваний, в том числе – пятнистой лихорадки Скалистых гор. Первоначальной причиной интереса к этому паукообразному был поиск веществ, препятствующих свертыванию крови.

Из слюны клещей удалось выделить белок с антикоагулянтными свойствами, а затем наладить его производство в культурах генно-модифицированных бактерий. В ходе дальнейших исследований ученые пришли к заключению, что полученное ими соединение не только препятствует свертыванию крови, но и обладает способностью замедлять размножение клеток злокачественных опухолей, не причиняя вреда здоровым клеткам.

В лабораторных экспериментах двухнедельный курс инъекций клещевого белка полностью остановил рост злокачественных опухолей кожи и поджелудочной железы у мышей. Более продолжительное введение белка приводило к полному исчезновению новообразований.

В настоящее время сотрудники Института Бутантан занимаются поиском фармацевтических компаний, готовых взять на себя дальнейшее финансирование экспериментов с потенциальным лекарством от рака. По их словам, исследования, необходимые для того, чтобы получить санкцию на проведение клинических испытаний, займут как минимум несколько лет.

Материалы основаны на данных Интернета.

Полезные советы**ГРИПП И ОРЗ**

В целях профилактики в течение месяца каждый день за час до еды принимайте смесь из 1 ч. ложки тертого хрена, 1 ч. ложки меда и небольшого количества воды. Самое подходящее время для проведения такого курса – ноябрь и начало зимы. К слову, существует поверье, что хрен особенно полезен в те месяцы, в названии которых есть буква «р».

СНИЖЕНИЕ ИММУНИТЕТА

На Востоке популярно такое упражнение для укрепления иммунной системы. Сесть ягодичными на пятки, спина прямая, бедра вместе. На медленном выдохе начать плавно наклонять туловище вперед, стараясь положить предплечья или локти на пол. Подышать глубоко 20 секунд, затем на вдохе начать плавно наклонять туловище вперед, стараясь положить предплечья или локти на пол. Подышать глубоко 20 секунд, затем на вдохе поднять туловище. Выполнять упражнение 1-3 раза в день.

БЕССОННИЦА, НЕВРОЗЫ


Хорошее успокаивающее растительное средство – настой корневых валерианы лекарственной. 2 ст. ложки измельченных корней залейте в эмалированной посуде 1 стаканом воды комнатной температуры, закройте крышкой и нагревайте на кипящей водяной бане 15 минут. Наставивайте 45 минут, процедите, отожмите. Полученный настой долейте кипяченой водой до объема 200 мл. Принимайте внутрь по 2 ст. ложки 3 раза в день через 30 минут после еды. Настой обладает также свойством расслаблять гладкую мускулатуру.

БОЛЬ В ЖЕЛУДКЕ

При возникновении боли в желудке помогает следующее упражнение: лечь, расслабиться, сделать медленный и по возможности глубокий вдох, задержать дыхание на 10-15 секунд, а затем медленно выдохнуть. Во время вдоха и задержки дыхания мысленно представлять увеличивающееся в размерах облако – сгусток биоэнергии, а на выдохе перемещать облако в желудок, в котором возник энергетический дисбаланс. В случае сильных болей в желудке упражнение выполнять по 10 минут каждые 2 часа.

Подготовила
Л. ВОЛОШИНА.

Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникаси маъмурияти клиниканинг Болалар қабул бўлими ҳамшираси
Зулхумор ЭРГАШЕВАНнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирди.

**Газета муассиси:**

**Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги**

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Ижрочи муҳаррир Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқди. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, ёзма жавоб қайтарилмайди. Мақола, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга
① шартли белгиси қўйилди.

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.

Тел/факс: 233-57-73, тел.: 233-13-22. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март кунги рўйхатта
олинган, гувоҳнома рақами 0015.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Газета ҳажми 4 босма табоқ.
Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Бахтиёр КҲОҚОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Адади 5079 нусха.
Буюртма Г-850.